

МУСОБАҚА
ТАШАББУСКОР-
ЛАРИ ПЕШҚАДАМ

БЕКОБОД. (УзТАГ). Ўзбекистон металлургия заводи-нинг прокатчилари йил бошидан бери пландан ташқари бир ярим минг тонна прокат ишлаб чиқариб, В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига олтинга соддалик мажбуриятини бажардилар. Улар меҳнат уюмдорлигининг ўтган йилда нисбатан икки процент ошириб,

беш йиллик охирига белгиланган даражага етдилар. Бунда цех рационализаторлари—бош мастер Н. А. Подняев, калбровкачи И. Е. Кулдошев, прокат цехининг бошлиғи Н. Л. Латфуллин прокатчиларга ёрдам бердилар. Даврий профилдаги бўлатин прокатка қилишда улар «300» станиннинг охирига каттагина металлнинг қўлда узатиш ўрнига механизм

ёрдамида узатишни таклиф қилдилар. Энди бу ишни новаторлар йсагани вальцовка автомати бажармоқда. Бу стандаги ҳамма жараянларнинг туртидан уч қисми механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Бошқа хил профилдаги металлларнинг прокатка қилишда ҳам механизациялаш усули ишлаб чиқилмоқда.



ПРОКАТ цехи пайвандловчиси Мухиддин Умаров номини Бекобод металлургия заводи коллективи яхши билади. У Ленинга меҳнат вахтасида туриб ишлаб, тобора қувончли натижаларга эришмоқда, ўз касбдошлари орасида пешқадамлардан ҳисобланади. Суратда: моҳир пайвандловчи ўртоқ М. Умаров. Ж. Раззоқов фотоси.

КЎКЛАМ

ТАРАДДУДИ

Бекобод районидagi Держинский номидаги колхоз далада ариқ-зувурларни тозалаш, далага маҳаллий ва минерал ўғит чиқариш ишлари қизғин борапти. Бригадининг Абдуқадир Холмуродов, Худойкул Пардаев, Раббулло Исканов бошлиқ звенеларида ариқ-зувур тозалаш ишлари тугалланди. Шунингдек, колхознинг Янгитобод бўлимида ҳам дала ишлари қизғин бормоқда. Р. ТОЖИКУЛОВ.

БЕДА ЭКИШ ҚИЗГИН

Ўрта Чирчиқ районининг хўжаликчилари беда экиш ишлари кучайиб кетди. Чорвадорлар бу ишни қисқа кунлар ичида амалга ошириш учун курашиб, мавжуд техникадан самарали фойдаланмоқдалар. Райондаги Охунбобоев номидаги колхоз аъзолари биринчилар қатори беда экишга киришдилар. Колхозчилар туپроғни етилган ерларга уруғ ташлашпти. «Партия XXII съезди» колхозда ҳам беда экиш жадал суръатлар билан давом этмоқда. Райондаги 1, 2, 3-«Охангатор» совхозларида ҳам беда экишни 5—6 иш кунини тамомлаш учун барча чоралар қўрилмоқда. Район хўжаликчиларида янги беда майдонларини кенгайтириш билан бирга эски бездорларни парвартиш қилиш, озик-лангирин ишлари ҳам бошлаб юборилди. А. РАИМБОВЕВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТДАН ИЛГАРИ


Оржоникидзе район матдубот жамиятига қарашли тайёрлов конторасининг ишчи-хизматчилари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнатда катта қўсаткичлар билан қутиб олиш учун курашиб, меҳнатда улкан ғалабани қўлга киритдилар. Улар беш йиллик маҳсулот тайёрлаш планини муддатидан илгари — 15 февралда ортга билан бажардилар. Давлатта 29288 ўрнига 53240 тонна сабзот етказиб бериб, планни 181,7 процент адо этдилар. Шунингдек, картошка, мева, узум, полза маҳсулотлари ҳамда туҳум, жун етказиб бериш тошприрларини ҳам бирмунча ортга билан адо этдилар. Тайёрлов конторасининг азматлари йил охиригача 35 минг тоннадан ортқар хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш учун курашляптилар. Тайёрлов контораси беш йиллик планни бажариш билан бирга, юбилей йили биринчи квартал планини ҳам 19 февраль кунини анча ортга билан адо этдилар. Улар белгиланган 75 минг ўрнига салкам 87 минг дона туҳум, 20 центнер ўрнига 21 центнер жун етказиб бериб, давлат планини 105 процент қилиб бажардилар. Аҳил коллектив Ленин туғилган кун—22 апрелга қадар ярим йиллик туҳум, эртаги резавор экинлари сотиш планларини бажариш учун курашляптилар. Бу коллективнинг Ленин юбилейига муносиб тўғна-сидир. Р. УБАЙДУЛЛАЕВ.

КОЛЛЕКТОР—ДРЕНАЖ ШОХОБЧАЛАРИНИ ТОЗАЛАШ 25 ФЕВРАЛГАЧА (процент ҳисобида)

Калинин	93
Бўка	90
Бўстонлиқ	70
Оржоникидзе	69
Юкюр Чирчиқ	65
Бекобод	64
Янгитўла	63
Ўрта Чирчиқ	60
Оққўрғон	60
Область бўйича:	70

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГЛАРИ, ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСЛАРИ КЕНГ ҚАНОТ ЁЙСИН.



ТЕХНИКА САРОЙИ

КОЛХОЗ УСТАХОНАСИДАН РЕПОРТАЖ

Биз бу ерда жуда кўп бўлганмиз: чор атрофи ташландиқ, балчиқ ариқлар билан неча йиллардан бери қаровсиз ҳолда ётарди. Ботқоқзорга трактор эмас, ҳатто одам кириши ҳам амри маҳол эди.

Йиллар ўтди. Трактор ва бошқа хил техника тобора кўпая борди. Колхознинг бир неча бостирмадан иборат кичик гаражи торлик қилиб қолди. Айниқса, сўнгги ўн йил ичида техника кўлаб сотиб олинди. Чигитини экадиган, пахтани терадиган, галлани ўриб, янчадиган, ариқ олиб, дуч ерини текислайдиган кучли тракторлар, ахкам машиналар, қишлоқ хўжалик механизми ва асбоблари қишлоққа келди. Буларнинг ҳаммаси деҳқоннинг меҳнатини енгиллаштирмоқда, экин-тигишда ил-тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган барча ишларнинг бажарилиш муддатини тобора қисқартирмоқда. Мутахассисларнинг айтишча, ҳозир хўжаликдаги мавжуд техниканинг сони, кучи ниятидан аввал Чинозда бир неча колхозга хизмат қилган МТСнинг техникасига нисбатан бир ярим барабар кўпдир.

Техникани қадрлаб, ишлатган кишининг иши ҳамон олдинга кетаверади. Колхозчилар давлатдан кўпала машина ва трактор сотиб олиш билан қишлоқда қўлланадими. Айни вақтда ун авайлаб ишлатиш, кўз қорачиқдек сақлаш ҳақида ҳам қайғурдилар.

Кунларнинг бирини колхоз раиси Халил ака Салимов правление мажлисини чақирди. Унга мутахассислар ҳам таклиф этилди. Равс колхоз устaxonаси талабга жавоб бермай қолганини айтиб, янги устaxonа қуриш ҳақидаги ўз таклифини ўртага ташлади. Хар ким хар хил фикрни айтиди. Баъзи кишилар эски устaxonани қайтадан ремонт қилиш зарурлигини айтиди.

лар. Бу, бир томондан, тўғри фикр эди, чунки колхозда ор-тиқча ер деярли йўқ эди. Нима қилиш керак? Актива ва мутахассисларнинг баъзилари катта қўшнинг ёнидаги қамшзорни ўзлаштириб, шу ерни устaxonага ажратиб зарур, дейишди. Тошкентдан мутахассислар таклиф қилинди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутунитфок машина-трактор паркларини ремонт қилиш ва эксплуатацияга тошпририш технологияси ил-мий-текшириш институтининг мутахассислари устaxonа қури-лиш лойиҳасини тузишни ўз зиммаларига олдилар.

Шундай қилиб, ташландиқ, ботқоқзор ерда иш бошлаб кетди. Институт инженерлари билан колхоз тракторчилари ўл-қан ишга енг шимаришди. Куч-ли трактор, бульдозерлар бил-лан ўнқир-чўнқирлар текис-ланди, туپроқнинг захи қоч-ришди. Ўйлаб, машинада қу-шага, цемент ва бошқа қу-риш материаллари келтирилди. Қурилиш ва монтаж ишлари жадаллик билан амалга оши-рилди; Мамакатининг узок ша-ҳарларидан устaxonада ремонт ишларини бажарадиган маш-иналар келтирилиб, ўрнатил-а бошланди.

Устaxonанинг кун чиқиш та-рафида 160 метр узунликда, эни 13 метрга тенг бўлган жой-даги бу бино ҳаммининг эъти-борини ўзига тортди. Қўрак териб, чувиш, терим машин-лари ана шу кенг ва ёруш бино-га жойлаштирилди. Унинг ёни-да эса қалда ўриш қомбайнла-ри учун алоҳида жой қилинди.

Катта, оғир тракторлар-ни очик ҳавода ремонт қилиш учун—деб ҳикоя қилади кол-хознинг бош инженери Мутал-ака Абдуллаев,—алоҳида жой қилинди. Ремонтчилар учун бу ерда барча қулайлик мўъайф.

Бош инженер колхоз раиси билан биргаликда устaxonанинг қуёш ботадиган томонига бош-

лайди. Катта дарвоза, ёнидаги шинамига кичик-кичик би-нолар қуриб битказилган. Бир-и эҳтиёт қисмлар учун, бири эса техника ўқиши учун, яна бири эса механизаторлар учун аж-ратилган.

Деворларга осилган турли диаграмма ва суратлар ки-шининг эътиборини дарҳол жалб қилади. Трактор ва қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилиш, уларни ўрнати-риш қандай қилиб жойлашти-риш ҳақида қисқа-қисқа ноз-лар ёзиб қўйилган. Қироатхона ҳам бор. Бу ерда газета-жур-налларнинг янги сонларини ўқишингиз мумкин.

Бу бинолар ёнида катта ҳа-шаматли бино ҳам қад кўтар-ган. Уни, механизациялашган устaxonанинг маркази, деб та-рифлашди. Устaxonа электр-лаштирилган. Бу ерда токар-лик ва темир парчаларини қир-қадиған турли хилдаги даст-гоҳлар ўрнатилган. Катта зал-да эса кўтарма кран турибди. Ремонтга мўътож бўлган тра-кторлар шу ерга киритилиб, бў-лакларга ажратилди, кейин ре-монт қилинди. Ремонтдан чи-ққан тракторлар эса иккинчи эшикдан чиқарилиб, техника сақланадиган биноларга узати-лди.

Колхоз раиси ва бош инже-нер бинога турли рақамлар ёзи-лган катта картон қорғоғни қу-рсатди. «Машина-трактор парк-ининг техника хизмат кўрсатиш пункти» деб номланган бу кар-тани қўздан кечирдик. Унда устaxonанинг бирон метр май-даи бўш қолмаслиги қайд қи-линган. Ҳамма майдон техника хизматига бўлади. 24—31 ра-қамлардаги майдончаларда қис-қа мудат билан сақланадиган ва ремонтдан чиқадиган тех-ника жойлашди. 21-майдоннинг ҳаммаси юк автомобиллари би-лан банд бўлади. 22-рақамли майдонга назар ташлаймиз. Бу ерда яқин ойлар ичида катта

ҳовуз вужудга келади. Унинг атрофи гулаорга айлантирилиб, механизаторлар дам оладиган жойлардан бири бўлади.

Устaxonа майдонларини ай-ланмишда давом этамиз. Қури-лиш тамомланиб, фойдала-нишга тошпририлган жойларда иш қизғин. Механизаторлар ре-монт ишларини олиб бормо-қдалар. Норбой Умаров, Асқар Собиров каби тракторчилар техника ремонтини тамомлаб, экин агрегатлари ишларини сўнгги марта текширишдан ў-тказмоқдалар. Экекxаваторчи Ҳу-лаган Очилов сув оқизилади-ган, водопровод қуриладиган ерларга жой тайёрланмоқда. Пайвандчи ва слесарлар, ду-рядор ва монтерлар ҳам ўз ва-зифаларини сийдиқидан адо этишмоқда.

Яна бир неча ой ўтади. Об-ластимиздаги бу намунали кол-хоз устaxonаси тўла қувват би-лаш ишга тушади. Ана шунда машиналарнинг жамини ремон-ти бошқа устaxonаларда эмас, шу ерининг ўзида ремонтдан чи-қарилиб, озода, усти ёйилган биноларда сақланади. Бу эса техника умрини йида узайти-ради, ортиқча харажатларни кескин қамайтиради.

М. ҲОЗНЕВ,
Чиноз, Карл Маркс номида колхоз.

ЯҚИНДА Янгийўл райони-даги Карл Маркс номида кол-хозда янги устaxonа қурилиб ишга туширилди. Суратда: (юқоридан пастга, чапда). 1. Колхоз раиси ўртоқ Х. Сали-мов устaxonа ходимлари бил-лан янги ўрнатилган станок-нинг ишлашини қўздан кечир-моқда. 2. Механизаторлар экин агрегатлари олдига 3. Ремонтчилар тракторнинг мо-торини янгиллашмоқда. 4. Эк-сxаватор ердами билан устaxonа территориясига тартибга солина-япти.

А. Абалаян фотолари.

ИЛҒОР
БРИГАДА

Доҳиймиз В. И. Ленин юби-лейи шарафига ўзаро мусоба-қани тобора кучайтираётган пойтахтимиздаги кабель заво-дининг ўртоқ Н. Зажигин бош-лиқ бригадаси қувончли ютуқ-ларини қўлга киритмоқда.

Улар ўтган йили йеҳда би-ринчиларини эгаллашган эди. Беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам илғорлиқни қўздан бериш-майдилти. Шу кунларда улар шовли сана шарафига меҳнат уюмдорлигини янада ошириш-га нитилишляпти.

«Беш йиллик тошприқин доҳиймиз Владимир Ильич Ле-нин туғилган кунининг 100 йил-лиги юбилейига бажарилмази!»—кабелчилар шори ана шун-дай. Бригадининг 25 кишилик аҳил коллективни мис ва ало-мин қўйилмалари тайёрлаш юзасидан олган янги мажбури-ятларини адо этиш учун ғай-рат-шиқоятчи кучайтириб юбо-ришди. П. Захаров, А. Орлов, М. Болтабоев сингари пешқа-дамлар қулиқ нормани ортга билан адо этмоқдалар.

А. ҲАМИДОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Шаҳар ва қишлоқларимиз
обод бўлсин

Меҳнаткашлар депутатлари об-ласть Совети ижроия комитети «Шаҳар, район марказлари ва аҳоли яшайдиган пунктларда ободончилик ва санитария аҳо-лини яхшилаш икки ойлигини ўтказиш» туғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорда таъкидлан-ишча, областимизнинг шаҳарлари, посёлкалари, район марказлари йилдан-йилга обод ва кўркем бўлиб бормоқда. Фақат ўтган 1969 йилнинг ўзида маҳаллий Со-ветлар йўли билан ободонлашти-риш ишига 2 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шу мак-сад учун корхоналар, муассас-салар, ташкилотлар 5 миллион сўм-дан кўп маблағдан фойдаланди-лар.


Лекин, шунинг таъкидлаш керак-ки, Пискент, Охангатор, Янги йўл шаҳарлари ва Ўрта Чирчиқ районининг аҳоли яшайдиган пунктларида савдо муассасалари, умумий оқитилуш шохобчалари ва бошқа бир қанча пунктларда санитария аҳоли талабга тўла жавоб беролмайдилар.

Область бошқармалари, ша-ҳар ва район ижроия коми-тетлари бўлимлари, корхона ва

муассасаларнинг айрим раҳбар-лари ободончилик ишларига етарли эътибор бермайдилар. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда область ижроия комитети шаҳар ва районларда 20 феврал-дан 20 апрелгача ободонлашти-риш учун алоҳида жой қилинди.

Катта, оғир тракторлар-ни очик ҳавода ремонт қилиш учун—деб ҳикоя қилади кол-хознинг бош инженери Мутал-ака Абдуллаев,—алоҳида жой қилинди. Ремонтчилар учун бу ерда барча қулайлик мўъайф.

Бош инженер колхоз раиси билан биргаликда устaxonанинг қуёш ботадиган томонига бош-



КАЛИНИН районидagi Оржоникидзе номида колхоз сабзавоткорлари шаҳар учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу ерда айниқса эртапишар сабзавот етатиштишга планлар остида экилган бодринг майдони.

аҳолисини қишин-ёзин сабзавот билан таъминлаш алоҳида эътибор берилмоқда. Суратда: колхозда Н. Тураев фотоси.

Расмий хабарлар

ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ

АДАМ МАЛИКНИНГ СССРда БЎЛИШИГА ДОИР

Индонезия Республикасининг ташқи ишлар министри Адам Малик шу йил 21 февралдан Совет Иттифоқида Совет ҳуку-матининг меҳмони бўлиб тур-ди. А. Малик Москвада турган вақтида СССР Министрлар Со-вети-Рансининг ўринбосарлари В. Н. Новиков, И. Т. Новиков билан, СССР Ташқи ишлар ми-нистри А. А. Громио ва бошқа

расмий кишилар билан учра-шиб суҳбатлар қилди. Бу суҳбатлар вақтида Совет Иттифоқи билан Индонезия ўр-тасидаги икки томонлама муно-сабат масалалари муҳамама қилинди, хар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва савдо алоқаларининг аҳоли билан боғлиқ проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Суҳбатлар чоғида айрим халқаро проблемалар, шу жум-ладан, Осиёда тинчлик ва хавф-сизлик масалалари тилга олин-ди. А. Малик ва унинг ҳамроҳ-лари Москванинг диққатга са-зovor жойлари билан ҳам та-нишдилар. А. Малик 25 февралда СССРдан жўнаб кетди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ РАИСИ Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ ЭРОНГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

Эрон шаҳаншоҳи Мухаммад Ризо Пахлавий ҳазрат олийа-рининг таклифига биноан, СССР Олий Совети Президи-умининг Раиси Н. В. Подгор-ний 1970 йил март ойининг ик-кинчи ярмида расмий визит би-лан Эронга боради.



В. И. ЛЕНИН ЦЕНТРАЛЬНЫЙ МУЗЕЙ И ДА

В. И. Лениннинг Марказий музейи ҳам Қизил майдон ёнида жойлашган. Музейда бўлган ҳар бир киши В. И. Лениннинг жушқун революцион фаолияти, шунингдек у асос қилиб Совет давлатининг босиб ўтган жанговар йўли тўғрисида бой таассурот олади. Ленин васиятларига содиқ бўлган қаҳрамон халқимизнинг бугунги ҳаёти билан яқиндан танишади.

Мазкур саҳфа редакциямиз итимоси билан Марказий музей ходимлари томонидан уюштирилган. Унда музейнинг иноқ коллективининг кундалик фаолияти ва В. И. Ленин юбилейи муносабати билан бу ерда қўрилган тайёргарликлар ҳақида ҳикоя қилинади.



МУҚАДДАС МАНЗИЛГОҲ

Ленин томонидан ташкил этилган «Искра» газетасининг янги типдаги партия тузишда

Музейнинг илмий ходими
тарих фанлари кандидати

● **МАРКАЗИЙ МУЗЕЙ ҲОДИМЛАРИ ДОҲИЯ ЮБИЛЕЙИГА ҚИЗГИН ТАБЕРГАРЛИК КЎРМОҚДАЛАР.** В. И. ЛЕНИННИНГ ЎЛМАС ТАЪЛИМОТИНИ КЕНГ ЕРИТИБ БЕРИШГА БАҒИШЛАНГАН БИР ҚАТОР ЯНГИ ЁЎЛИМЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. СУРАТДА: МАРКАЗИЙ МУЗЕЙ ДИРЕКТОРИНИНГ ИЛМИЙ ИШЛАР БЎЛИЧА ЎРИНБОСАРИ, ТАРИХ ФАЙЛАРИ КАНДИДАТИ ЯКОВ ИВАНОВИЧ АЛЕКСАНДРОВ ХОНАЛАРИНИНГ БИРИДА НАМОНИШ ЭТИЛАТГАН ЁР ШАРИ МАКЕТИ БИДА. МАЗКУР МАКЕТДА ДОҲИЯ АСАРЛАРИ БОСИЛАЁТГАН ШАҲАРЛАР КЎРСАТИЛГАН.

ҚАЛБ СҰЗЛАРИ

1962 йил 27 январь кунин фазони биринчи бўлиб забт этган Совет Иттифоқи Бахра-

Бу ерда бўлган курсантлар, чегарачилар, учувчилар, Тинч

Бу ерда чет эл мамлакатларидан келган турли миллат вакилларини кўриш мумкин. Болгариялик ишчи ва деҳқонлар дафтарда куйидаги сўзларни ёзб қолдиришган: «Бугун

ёзувлар қисқа, бироқ улар орқали серқуёш Ватанимизнинг босиб ўтган қаҳрамон йўлини кўралиб, Совет халқи Ленин партияси афродида янада мустақамроқ - жаъсланаётганини кўралиб, Бу ёзувлар совет кишиларининг коммунизм соғларига, пролетар интернационализми соғларига - содиқ эъқонликларины ҳикоят қилади.

3. ДВОРЦОВА,
музей лектори.

ЯНГИ КЎРГАЗМАЛАР

биографиясига кенг ўрин берилади. Ульянов-
лар oilасига тегишли бўлган шахсий буюм-
лар ҳам намойиш этилади.

● Марказий музейнинг 16-хонасида: Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бағишланган кўргазма (пастда).

ЛЕКТОРЛАР ГРУППАСИ

Лекторларимиз музейга ташриф буюрган меҳмонлар орасида доҳийнинг ижодий фаолиятига оид қизиқарли лекциялар шунингдек Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи билан боғлиқ бўлган қизиқарли суҳбатлар билан чиқишмоқдалар. Лекциялар инглиз, немис ва француз тилларида ҳам ўқилади.

Ленин юбилейига таъйёргарлик муносабати билан бу ерга кўп-лаб чет эллик мутахассислар ва олимлар келиб туришибди. Яқинда Венгрия, Польша, ГДР, Югославиядан бир гуруҳ пропаганда-дистлар ва партия ходимлари меҳмон бўлишди. Улар музейда намоёнш этилаётган кўргазмалар билан танишиб, бир қатор лекциялар тингладди. Биз Иттифоқ-мизнинг кўпгина шахарларидан Москвага келган пропаганда-дистлар-

нин кутиб олмақдамиз. Ҳозиргача Калуга, Сумск областлари, Урал, Узоқ Шарқ, Сахалин, Ульяновск ва Қозғоғистондан кўплаб пропагандачилар келиб қотишди. Улар ўртасида лекторларимиз тематик лекциялар билан чиқишди.

Музейда марксизм-ленинизм назариясининг чуқур ўрганиётган-лар, шунингдек Ленин асарлари устида илмий чш олиб бораётган-ларга мўлжалланган тематик лекциялар уюштирилган. Унда «Ле-

нин томонидан партия миллий программасининг ишлаб чиқиши», «Ленин омиди давлатини бошқаришга жалб этиш ҳақида», «Ленин давлат контроли ҳақида», «Давлат ҳақида марксизм-ленинизм таълимоти» мавзуда кўп-лаш лекция ва суҳбатлар олиб борилмакда.

Дохий биографиясини ўрганаётганлар учун алоҳида гўраган ташкил этилган. Бу гўраганди қатнашиш истагини билдирганларнинг

Юбилей муносабати билан му-
зейда лекцияча ўқишлар ташкил
этилган. Унда кекса большеви-
клар, дохйй сафдошлар, КПСС
Марказий Комитети ҳузуридаги
Марксизм-Ленинизм институти
ҳодимлари турли мавзуларда
лекциялар ўтказиб туришибди.

Тингловчилар даърасида Лениннинг секрета­ри, 1904 йилдан бер­партия аъзоси Лидия Алексан­ровна Фотиева, ке­кса большевик Маргарита Васильевна Сафанов­лар ўзларининг эс­даликли­ри ахтирларидан би­лан чиққонда­ла. Комсомолларнинг III съез­ди де­легатларидан Ва­сютин ва Сабо­ровлар, со­биқ Кремль ку­рсант­ли­ри ҳам ленинча ўқишларда фа­со­катнашмоқдалар.

Юбилей муносабати билан музейнинг лекторлар коллективи Москва шаҳрининг корхона ва муассасалари, олий ўқув yurtларида бўлиб, ўзлари тайёрлаган рағбаранг лекциялар билан чиқсизмдалар. Бу ўз ўрнида марксизм-ленинизм таълимотиини кенг олмаонга сингдириш, Лениннинг барҳайф асарларини пропаганда қилишида яқиндан ёрдам бермоқда.


И. ТЕРЕХИНА,
лекторлар группасининг бош-
лиги.



● Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекко-
нен ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар музейнинг 23-хонасида В. И.
Ленин бюстини томоша қилмоқдалар.



Е. СОНИМ,
Музейнинг илмий ходими,
тарих фанлари кандидати.



● Бу сурат 1905 йил революцияси воқеаларига бағишланган хонада олинган. (Юқориди) ҳайкал-
прош. И. Шадранинг «Пролетариат кулоли» асари. Раиса Муҳамеддинова



САНГИН СУВОРИЙ

ДЎСТЛИК УЙИДА КОНФЕРЕНЦИЯ

Қишлоқнинг марказий кўчаси доимо гавжум бўлади. Кўйи уфқдан бош кўтармасдан ҳам, қош қорайганда ҳам бу ерда ҳаракат тинмайди.

Ҳар кун шу марказий кўчадан эрталаб соч-соқолини тақир олдириган, қотмадан келган бир қиз қолхоз идораси томон йўлга олади. Кеч кириб, кўчада қатнов намайганда эса ўз уйига қайтади. Уни қишлоқнинг каттадан-кичиги биладан ва номини ҳурмат билан тилга олади. У—Сангин ака Почауमारовдир.

Сангин ака қолхозда бухгалтерлик қилади.

Қишлоқнинг кўп кишилари, уни Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақида ифтихор билан сўзлайдилар.

Янгида қишлоқ мактабида фронтчи отахоннинг мактаб ўқувчилари билан учрашуви ўтказилди. Шўхрат орденлари кавалери Сангин ака кўндан бери саниқда сақлаб юрган жанговар орден ва медалларини тақиб, шу кечага келди. Ўқувчиларга немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган жанглар, ўз бошидан кетирган жанговар воқеаларни ҳикоя қилиб берди.

Янгиқиниқ йўли олиб, воқеаларга бой бўлади. Сангин ака Волгадан Берлингача борди. Ўтти жангларда бўлди. Хотирга кўп нарса келди: қайси бирини айтсин? Мудрофаа жангларинини, ҳужум ғалабаларинини, ёни Берлиндаги сўнгги жангларинини? Бу уруш майдонларида қанчадан-қанча пахлавонлар қонидан даладар албон бўлди, чечаклар гулдастаси унинг қадрлар устига бошларини қўйди, ҳанқаллар абадий посбонликда қолди.

У Берлин, ундан шимолда—Рюген оролида, урушнинг ўша сўнгги кунларида ғалаба байроғини баланд кўтариб ўтди.

Рюген ороли соҳилларида юраркан она Сирдарё бўйларига, қадрдон Фарҳод тоғи етакларидаги бахмал қиларга тезроқ қайтишни истарди. Фронтда ўзбек тилида чиқадиган газетда эълон қилинган бир шеър унинг ёдига келарди:

Рюген оролида юрар пахлавон,
Қирғоқларда қолиб излари,
Маскан бўлиб ўзга бир жаҳон,
Гулбоғларин илгар кўзлари,
Сирдарёнинг гўзал воҳаси
Жаннат эди йигитга ҳар он.
Бу ерларнинг нотаниш кўриги
Таскин бермас марда бегумон.
Бунда борлиқ, гўзаллик унга
Азиз эмас, ёқмас дилини.
Боқиб шарққа соғиниб ослар
Чаман-чаман она элини.
Қалбим узмас улуг Ватандан,
Ҳаёлида ўша жоножон.
Қўриқлай, деб эли душмандан
Бу ерларга келди қаҳрамон...
Мана бутун у қадрдон қишлоқ

ғида, ёш авлод даврасида неча минг километр олисда қолган ўша машаққатли фронт йўллари ва йиллари ҳақида ўз хотираларини сўзлаб ўтирибди.

Болалардан кимдир:—Сангин ота, биринчи мукофотни қаерда ва қачон олгансан?—деб сўраб қолди.

—Биринчи олган мукофотим—Шўхрат ордени бўлган,— жавоб қайтарди Сангин ака,— учинчи даражалли. 1944 йилнинг дастлабки ойларида, Белоруссиядаги Полесье областида олганман.

Ўша вақтларда Полесьеда қаттиқ жанглар бўлиб ўтган эди. Олдин солдат Сангин Почауमारов 4-гвардиячи отлик дивизиянинг 16-полкидаги миномет батареясида мўлжалловчи бўлган. Батарея 1942—1943 йилларда Брянск фронтинда гитлерчи босқинчиларга қарши жангларда қатнашди. 1943 йил ҳужум жангларидан кейин унинг қисми Белоруссия ерларида фашистлар устига ажал оташларини ёғдира бошлади.

Расчетда Сангин акадан бошқа Иван Сейников, Василий Голова, Саша Руднев ва яна бир жангчи бўлган.

Ўрмон жойларда отлик қисмлар душманга катта дахлат солиб келганлар. Танк, тулар, машиналар ўтмайдиған ўрмон сўқмоқлари бўйлаб гвардиячи суворийларимиз ўтиб борганлар ва душман кутмаган жойларда пайдо бўлиб, ён ичида ёни унинг орти томонда «тўполон» кутарганлар.

Полесьедаги Беседка шаҳарчасини озод этишда Почауमारов расчёти намуна кўрсатиб жанг қилди. Шаҳарча штурм билан олинди. Лекин, унинг катта мудрофаа аҳамиятига эга эканлигини душман унутмаган эди. Шаҳарчадан тўрт томонга йўл чиққан бўлиб, қишлоқлар ҳаракатига қўлай манзил эди. Душман резерв кучларини жангга ташлади. Шаҳар кўчаларида қаттиқ жанглар бошланиб кетди. Бизникилар шаҳар чеккасига чекинишди. Бир кунда шаҳарча уч марта қўлдан қўлга ўтди. Батарея командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони капитан Павлов душман техникаси ва кучларини аниқлаб, батарея кучини душман устига ёғдиради.

Почауमारов командири айтган нишонларни аниқ мўлжаллаб олиб, душман ўт очиш нуқталарини бирин-кетин даф қилиб борарди. Лекин қаердандир душман пулемёт ва минометлари яна тилга кириб қоларди. Батарея бир жойда туриб ўт оқаётганлиги учун душман ўғига дуч келди.

—Уртоқ капитан,— деб Сангин батарея командирига, мурожаат этди—бир жойда туриб отгандан кўра, юриб, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, ён устига ўт ёғдираш қандай бўларкин?

Командир бир пас ўйлаб, маълум маневр қилмасак бўлмайди, деди ва расчётлари ёғдиришга ўзгартириб, ён устига ўт ёғдиришга буйруқ берди. Бу ҳаракат са-

марали бўлди. Батарея гитлерчиларнинг бир қанча янги ўт очиш жойларини аниқлаб, уларни яқсон этди. Почауमारовнинг ўз уч жойдаги душман пулемёт нуқталари ва бир взводга яқин автоматчиларини нишонга олиб, яқсон этди. Беседка шаҳарчаси ёвдан батамом тозаланди. Қишлоқларимиз гарбга томон йўл олди. Йўлда қисм командири мардлик кўрсатган жангчиларни мукофотлади. Почауमारовни табриклаб, унинг кўкрагини учинчи даражалли Шўхрат орденини тақиб қўйди.

У II даражалли Шўхрат орденини қадридон Польша ерларини гитлерчилардан озод қилишда олди. Минск-Мазовец шаҳарини гитлерчилар мустаҳкам мудофаа и-

билан бирга сайхон бўйлаб олдин сўраб нела бошладилар. Фашист бир сесаниб, қўлдан чиқмоқчи бўлди: ерда ётган автоматини олмоқчи эди. Сангин унга ханжар тортиб юборди, сўнг олдинга қараб сўради. Лекин, қисмга олиб келишганда «тил» ўлиб қолган эди. Сангин ханжар тортишда унга қор этган экан.

Эртаси кун Сангин яна Сейников билан бирга бошқа бир томонга «ов»га чиқди. Иккинчи кун дегадга соппа-соғ, «бузулган» бир унтер-офицерни тутиб келиб, командирга топширишди. Сангин шундан сўнг иккинчи даражалли Шўхрат ордени билан мукофотланди.

Берлин бўсағасида бўлган бу

нури тушиб турган катта подвалда 20 «челок» аёл бир-бирларига сўйиб тикна турар эдилар. Сангин аёллар орасида яна кимлардир яширишиб турганлигини пайкаб қолди. Жамма вақт ёнида олиб юрадиган танка қарши граната сини қўлга олиб, ун баланд кўтариб яширишган фашистларга «қўлингизни кўтар!» деб қичқирди.

Хотинлар орасидан пистолет овози эшитилди. Сейников автоматини ишга солди. Фашист офицери ағдарилиб тушди. Хотинлар қий-чуз қўтаришди. Сангин гранатани ҳамон баланд кўтариб қичқирди: «Қўлингизни кўтар, бўлмаса ҳаммангиз нарига дунёга жўнатаман». Ўн фашист солдати авто-

Бу ҳам олдиндан тоб топган юлдуз, юлдуз бўлганда ҳам жанговар солдат юлдузи. Қаҳрамонликка баробар, кел, ўзини тақиб қўймай, қани менга берчи,— деди қисм командири орденини ифтихор билан Сангин кўкрагига тақаркан. Сангин Рюген оролида эшитди буюк ғалаба ҳақидаги хабарини. Сувори олиб ва машаққатли жанг йўллари билан боғлиқ уларни қайта-қайта табриклади. Сўнг ҳаммангиз олдида бир чеккага чиқиб, дуб даракти остида кишлаб, депсиниб турган кичкина оқ ёл отининг ёнига бориб унинг пешонасидан ўтди. Унинг юганини олиб, қўлини юборди. От биринчи марта айланиб, Сангин ёнига келиб тўхтаб турди.

Қўйиб олгани, отининг ҳам қадрларини, пешонасидан ўтди, ғалаба билан табрикланди,— деди аэвқлашиб Иван Сейников.

Бўлмасамчи, Орёлдан бери биргамиз. Қара қаергача келдик! Сангин отни дарахдан ечиб олиб, денгиз бўйига етаклади. Оёғи остида ётган туҳумдай келадиган тошини оёғи учин билан денгизга иргитиб, Шарққа қаради. Тулқин устидан, кўчининг заррин барқашини гўлболар устига қўтарилиб келарди...

1945 йилнинг куз ойларида Сангин ўз қишлоғига қайтиб келди. Қишлоқ аҳли Шўхрат ордени кавалери, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонини тантана билан кутиб олди.

Сангин қишлоққа қайтиб-ю, эртаси кун яна қадрдон қолхоз идорасига кириб келди. Идорада қолдириб кетган чўтини қўлга олиб, унинг оққизил доналарини кечанига автомат, оғир миналар тутган қўли билан айлантириб қўрди. Раис фронтчи йигитга жўлайиб қўйди: «Энди ўз кабинетингизда. Қолхоз ҳисоб-китобининг сардори бўлинг» деди...

Мана 25 йилдирки, Сангин ака Бекобод районидagi Дзержинский номида қолхозда бухгалтер. Ундан ташқари, қолхоз бошланғич партия ташкилотчи бюроси секретари, унинг ўринбосари, қолхоз халқ контроли комиссиясининг раиси ҳамдир.

Сангин ака қуввоқ мактаб ўқувчиларининг катта даврасида сўхбат қўриб ўтирар экан, ана шу оёқдан ва гўзал даврон ва бахтли болалик учун жангда жонини берган жанговар дўстларини бир-бир эслади.

У сўхбатини тамомлар экан, ўқувчиларга мурожаат қилди:

—Бизнинг бахтли ҳаётимиз, катта жангу тўфонлар орқали қўлга киритилган. Бу кунги ҳаётимизни қадрларган, гўзал ҳаётимизнинг мангу қарогонини бўлинглар!

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

Суратда: С. ПОЧАУМАРОВ ўқувчилар орасида. Н. Аюбонов фотоси.



техномага айлантирилган эди. Шаҳарча жанг бошлагандан аввал бир қанча «тил» тутиб келиб, душманнинг қаерда, қандай кучи борлигини аниқлаш зарур бўлиб қолди. Батарея командири Почауमारовнинг ёнига чақириб, шаҳарча яқинига разведкача бориб, «тил» тутиб келишга буйруқ берди. Сангин разведкачи минометчи Иван Сейников билан кечаси олдинги маррага бориб, пана жойга беркиниб олди. Кундуз кун душман оқоларни ва ўт очиш жойларини аниқлади. Катта тош йўлдан анча чап томонда, уч-тўртта дахлат орасида ҳар замонда бир нарсга қимирлагандай бўларди. У ерда душман постби бор экан. Шу ердан «тил» тутиб келишга қарор қилинди.

Кечаси душман ракета отиб, жанг майдонини ёритиб турарди. Сангин Сейников билан бирга олдинга эмаллаб кетди. Уч даракт орасида ер депсиниб кимдир турарди. Икки ендан душман устига ўзларини ташлади. Иван гитлерчининг қўл-оёғини боғлаб, Сангин

воқеа Сангиннинг ёдидан ҳамон қўтарилибди. Кўчаларда, уйларда шиддатли жанглар борарди. Душман миномет ўтлари етмайдиған чуқурилик ва ертўзалардан қўқисдан ўқ узиб, кўча жангларини олиб бораётган йигитларимиз йўллари тўсиб қўярди.

Мана тўрт томонга қанот ётган катта асфальт кўчанинг ўнг томонидан баланд иморатдан автомат овозлари эшитилди. Бино пулемёт ва минометлардан ўққа тутилди. Батарея командири бинони қўздан кечириб, у ерда қолган гитлерчиларни қўлга олиш учун Сангин бошлиқ олти кишини юборди. Улар бинонинг ҳамма хоналарини қараб чиқдилар. Лекин, душман ҳеч бир хонада қўрқинмади.

Сангин қўчанинг нариги бетиданги уч қаватли уйни қўздан кечириб, шериқларига ўша уйни ҳам қараб чиқишни маслаҳат берди. У уйдан ўқ овози эшитилмасди. Сангин яна ўша дўсти Сейников билан бирга бино подвалига тушишди, кутулмаган ҳолатда дуч келишди. Ташқаридан хира кун

матларини Сангин билан Сейников оёқлари остига келтириб қўлиб, қўлларини қўтаришди. Бу жанг Берлин кўчаларида бўлган сўнгги жанг эди. Бир маҳал, рейхстаг устига Ғалаба байроғи тикилганлиги, империя йиқиларли қўлга олинганлиги ҳақида хабар тарқалди.

Қисм командири миномет батареясини Берлинни таслим этишда кўрсатган жасорати билан табрикланди. Кўп жангчилар қатори Сангин биринчи даражалли Шўхрат ордени билан тақдирланди.

Мард йигит экансан,— деди уни табриклаб қисм командири.—Энди Шўхрат ордениларининг тўла кавалери бўлган, Белоруссияда сента учинчи даражалли Шўхрат орденини топширган эдим. Ўшанда эсингизми, «Яхши жанг қилинг. Бу ордениларнинг тўлиқ эгаси бўлинг» дедим. Сўзининг устидан чиқдинг, амама. Раҳмат!

Совет Иттифоқи учун ҳиямат этмайд— деди орденини қўлга олиб Сангин.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ТАРИХИ

КИТОБЛАР, ОЛАМИДА

Мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда меҳнатқилар депутатлари маҳаллий Советлари давлат ҳокимиятининг оммавий органи сифатида катта роль ўйнамоқда. Шунинг учун маҳаллий Советлар фаолияти ҳамда тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш тарихчилар олдига турган муҳим вазифалардан биридир.

Бу борада «Фан» нашриёти томонидан чиқарилган О. Азимовнинг асарини диққатини жалб этади. Асарнинг муҳим томони шундаки, унда маҳаллий Советларнинг тарихи республика миқёсида, умумий тарзда эмас, балки конкрет, маълум бир область, яъни Самарқанд области мисолида ўрганилган. Бу ҳолат авторга маҳаллий Советлар фаолиятини чуқур ва муаммал равишда ёритиш имконини берган.

Асарда бой ва қизиқарли материаллар ҳар томонлама аниқ қилинган ва умумлаштирилган. Шунингдек Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг маҳаллий Советлар родини кучайтириш тўғрисидаги муҳим қарор ва тадбирларига етарли эътибор қилинган.

Асар коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш даврида маҳаллий Советларнинг тутаётган ўрни ва родини батафсил баён этиш билан бошланади. Автор тўғри кўрсатиб ўтганидек, ҳозирги даврда Советларнинг асосий вазифаси ўз территориясидаги маданий-сиёсий ва ҳўжалик қурилишга раҳбарлик қилиш, давлат ҳуқуқ-тартибларига риоя этишни ҳамда қонулар ва граждандар

ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат. Хўллас, маҳаллий Советларнинг фаолияти кўп қиррали бўлиб, миллионлаб меҳнатқилар билан бевосита алоқа қилиб туради. Бу соҳада қишлоқ ва посёлка Советлари муҳим роль ўйнайди. Шуни кўрсатиб ўтиш қиёқия, республикадаги 1012 маҳаллий Советдан 907 таси қишлоқ, 87 таси посёлка Советидир. Бу Советлар территориясида 1007 қолхоз, 318 совхоз, қўл-лаб қорхоналар, қурилиш, маъиший ва маданий муассасалар жойлашган, бу территорияда 7,5 миллиондан кўпроқ аҳоли яшайди. Бинобарин, маҳаллий Советларнинг республикадаги маънавият жўла катта бўлиб, улар халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларини ўз ичига олади.

Асарда республикадаги ҳар бир область ҳамда район Совети ташкилотларининг фаолиятлари бир-бири билан узвий боғланганлиги қайди қилинган ҳолда бевосита Самарқанд область маҳаллий Советларнинг ҳўжалик — ташкилотчилик фаолиятини ифода этувчи қимматли маълумотлар келтирилган. Автор бу маълумотларни ҳар томонлама аниқ қилиб, маҳаллий Советлар икромна комитетлари, Советларнинг доимий комиссиялари ва депутатларини қолхоз, совхозларда пахтачилик, боғдорчилик, чорвачилик ва ҳўжаликнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришда катта родини мазмунли ёритишга муваффақ бўлган.

Шунингдек, маҳаллий Совет ташкилотлари ва доимий комиссияларнинг илгорт техникани жўри этиш ва новаторлар тажрибасини оммалаштириш, комплекс механизацияни қўллаш, ирригация-мелиорация ишларида, қурилишларда ва бошқа соҳалардаги фаолияти ёркин баён этилган. Область Совети ижроия комитети ва

маҳаллий Советларнинг барча авенюлари саноат қорхоналарига ҳам моҳирлик билан раҳбарлик қилиб, меҳнат унвдорлигини ошириш ва планни бажаришга салмоқли ҳисса қўшаётганлиги кўрсатилган.

Район Совети, қишлоқ ва посёлка Советларининг доимий комиссиялари барча ишларини Низом асосида олиб бориб, ҳўжалик тармоқларига пухта раҳбарлик қилиш билан бирга меҳнатқиларнинг нақалларини бажариш ҳамда ара-шиқотларни ўз вақтида ҳал этишда ҳам ўрнат бўлмоқдалар. Бу масалалар ҳам китобда яхши ёритилган. Асарда айрим маҳаллий Совет ташкилотларининг нақилликлар тўғрисида ҳам фикр юргизилган.

Асарнинг маҳаллий Советларнинг маданий қурилиш соҳасидаги фаолиятига бағишланган қисм ҳам қизиқич билан ўқилади. Маълумки, маҳаллий Советлар халқ оmmas орасида маданий тарбиянинг ишларини амалга ошириш учун кўп куч ва гайрат сарфламоқдалар. Улар янги мактаблар, маданият-оқартуш муассасаларни бошларини қўриш, мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаммасини ўқитишга жалб этиш, спорт ва соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Асарда маҳаллий Советларнинг шу соҳадаги фаолияти далиллар асосида пухта баён қилинган. Маҳаллий Советларнинг самарали ишлари тўғрисида 1965—1966 ўқув йилида областда мактаблар сони 1360 тага етиб, уларда 317,4 минг ўқувчи таълим олди.

Маданий муассасалар тармоғи кенгайиб, 1965 йилда областда бешта халқ ва профессионал театр, 572 та оммавий кутубхона, юзлаб дала шийпонлари, 431 доимий кино установи ва 395 та ялғуб ишлаб туради. Алоқа қорхо-

налари сони 309 тага, телефон аппаратлари 8618 тага етди. 1965 йилда област аҳолиси 17,1 миллион нўсха газета ва журнал олди. 1965 йилда областда 11,3 минг ўринали 140 та касалхона бўлиб, уларда 2014 та врач ва 6264 та урта медицина маълумотли ходимлар ишлади.

Асарда маҳаллий Совет ташкилотларининг ишларида доимий комиссиялар ҳамда депутатларнинг фаол қатнашганликлари кўрсатувчи далиллар етарли. Шунингдек, маҳаллий Совет ташкилотлари ва умуман, областнинг улкан ютуқлари Коммунистлар партияси ҳамда Совет ҳукуматининг доно раҳбарлиги ва раҳмўрлиги орасида бўлганлигига алоҳида эътибор берилган. Бу масалага бағишланган махсус бобда партиянинг Советлар родини кучайтириш ва уларнинг халқ оmmas билан алоқасини мустаҳкамлаш, меҳнатқил оmmasнинг активлиги ва ташаббусининг аниқ олдириш ҳамда халқни давлатни бошқариш ишларида тобора кенг жалб этишга қаратилган амалий чоралар кўраётганлиги таъкидлаб ўтилган. Асарда област партия ташкилотларининг фаолиятини ҳам аниқ эттирувчи маълумотлар умумлаштирилган, тўғри мулоҳаза ва фикрлар баён этилган.

Хўллас, О. Азимовнинг асари сермазмунлиги ва илмий жиҳатдан пухта ёзилганлиги билан акрелиб туради. Бу асар, шўбҳасиз, республикадаги бошқа областлар, жумладан, Тошкент област маҳаллий Советлари тарихини махсус ўрганишга туртки ва ўрнак бўлади.

Х. ЗИЯЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Она-Ватан Бўйлаб



Грузин архитекторлари
тузган лойиҳа асосида

Уй-йой ҳамда жамоат бинолари типовой ва эксперименталь лойиҳаларини тузиш ва зональ илмий-тадқиқот институтини архитекторлардан О. Пайчадзе ва Т. Кипишидзе Самарқандда нуриладиган пионерлар саройининг лойиҳасини тузиб бердилар.

Пионерлар саройи Самарқанд шаҳрининг марказида қўл пар территориясида қурилади. Тўрт қаватли бинада Ленин зали, интернационал дўстлик хонаси, ўқим зали, кутубхона, 700 ўринли концерт-театр зали, фан ва техника кабинетини пионер ва юмсомол ташкилотлари музейи жойлашган. Бинонинг юқори қавати ёш ҳаваснор астронимлар учун ажратилган.

(ТАСС мухбири).
Тонлиси.

Совет—Марокаш

ҳамкорлиги

24 февралда Москвада иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги бўйича доимий Совет-Марокаш ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу кунги комиссиянинг биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда савдо, иқтисодий ва илмий-техника алоқалари тўғрисида Совет—Марокаш битимларининг қандай баҳарлаётганлиги, шунингдек бу соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш перспективалари муҳокама қилинди. (ТАСС).

Янги цех

Гродно асуд ўғит заводида аммоний сульфат цехи фойдаланишга топширилди. Бу ерда қадроланган чингитларидан қимматли ўғит ишлаб чиқарилади. Дастлабки махсусот ҳосил қилинди. Цех тўла нуқтага эришган қорхонада ўғит ишлаб чиқариш 32 процент қўлга олди.

А. ОВЧИННИКОВ фотоси.
ТАСС хроникаси.

ПОМИРНИНГ МУЗ ЧЎҚҚИЛАРИ

АЖОЙИБОТЛАР

Ўрта Осиёнинг водиларга об-ҳаёт келтирувчи дарёлари Помир ва Помир—Олой тоғ музликларидан бошланади. Хўш, ана шу сув манбаи қанчаллик кўп? СССР Фанлар академияси география институтининг ходимлари Ўрта Осиёдаги

лик районларининг зоналарига етиб боради. Олимларнинг фикрига кўра, сув ресурсларидан интенсив равишда фойдаланилаверса, оранда яна 10—15 йил ўтга дарёлар умуман денгизга ета олмаслик ҳавфи бор. Шунинг

учун ҳам дарё сувининг миқдори ва унинг территория бўйича тарқалиш асосий хараakterистикаларини билиш фойдага муҳим. СССР Фанлар Академияси география институтининг олимлари Помир ва Помир—Олой дарёлари оқинининг муфассал

картасини тузиб чиқдилар. Эриган муз ва қор сувлари оқинини аниқлашнинг амалий аҳамияти бор: кам сувли йилларда одам сув оқинини қўлайлаштиришга сўнгий таъсир кўрсатиши мумкин бўлади. (ТАСС мухбири).

